

Рамазон ҳайити муносабати билан муҳтож оилаларга минглаб ўйинчоқлар тарқатилди



10:00 / 20.05.2021 2032

Ҳайит айёми қувончини баҳам кўрган ҳолда, якшанба куни Нью-Йоркнинг Бронкс боғида, маҳаллий мусулмонлар ташкилоти муҳтожларга ёрдам бериб, ҳар хил динга мансуб болаларга минглаб ўйинчоқлар тарқатди.

Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар беради. Нью-Йорк бўйлаб жамоа 2000 дан ортиқ ўйинчоқлар тарқатишди. Бронкс боғида барча дин ва миллатдаги болалар кутиб олинди. Ушбу хайриянинг муҳимлигини таъкидлаган ҳолда "Дин ва иймон бизни ажратмаслиги, аксинча, бирлаштириши керак", деди ассамблея аъзоси Наталя Фернандес.

Мунира Баҳодиржон қизи таржимаси